

Амброз БИРС англиз ёзувчиси

Кўркув

(хикоя)

Кентуккилик Оррин Брауер ўз поччасининг қотиллигида айбланиб, анча вақтдан бери одил суд ҳукмидан қочиш тараддудида эди. У сақланаётган графлик қамоқхонасида узоқ пайтдан буён суд жараёнини мислсиз даҳшат ичида кутуб юрар экан, пировардида бу қамоқдан қочиб кетишни-да ўзича режалаштириб қўйганди, ниҳоят, у қулай вазият топди-да, қамоқхона соқчисининг бошига темир панжара билан яхшилаб тушурди-ю ташқарига чиқиб, қоп-қоронғу тун қарига сингиб кетди. Соқчини беҳуш ҳолда ташлаб кетганига қарамай, Брауер не машаққатлар билан қайта эришган озодлигини ҳимоя қилиш учун ўзи билан ҳеч қандай қурол ҳам олиб кетмаганди. Шаҳарчадан бир амаллаб чиқиши билан қочоқ қуюқ ўрмон ичига йўл солиб, катта аҳмоқлик қилиб қўйди; зеро у бу ўрмон тарафга неча йиллардан буён қадам ҳам босмаганди, ваҳоланки бу беадоғ ҳудуд ҳозирда янаям ёввойилашиб кетганди.

Аксига олиб, тун ҳам тобора қуюўлашиб борар, бутун фалак чойшаби узра на ой ва на юлдузлар кўринар, Брауер бўлса бу атрофларда умри бино бўлиб яшаб кўрмаганди, бинобарин мазкур жой тўғрисида бирон-бир маълумотга ҳам эга эмасди, инчунун айна алпозда бечора қочоқнинг йўқолиб қолиши ҳам табиий эди. Брауер қайёққа қараб кетаётганини аниқ идрок қилолмай қолди, у шаҳарчадан чиндана узоқлашиб кетдимикан ёхуд тагин у ерга қайтиб кетаяптмикан – мана шу савол Оррин Брауер олдида сира ечилмас тугунлигича тураверди. У шуни аниқ-тиник билардики, қатлга ҳукм қилинган золим қотил ортидан албатта кўпчилик қидирувга сафарбар этилади ва Брауер худди шу ҳолатида ҳаш-паш дегунча қўлга олинади, демак унинг не-не саъй-ҳаракатлари билан қамоқдан қочиши ҳам бир пуллик иш бўлади, лекин Брауернинг асло қўлга тушгиси йўқ, келиб-келиб ўзи учун уюштирилажак таъқибга ўзи кўмак бериб қўйсинми? Зеро Брауер учун озодликнинг ҳатто бир дақиқаси ҳам бебаҳо фурсатга айланиб қолганди.

Тўсатдан у ўрмон бағрида эски бир йўл устидан чиқиб қолди, ҳали кўнгли ёришиб улгурмай, бирдан унинг қаршисида, чексиз зулмат қўйнида осмондан тушгандай ҳаракатсиз қотиб турган қандайдир одам шарпаси намоён бўлди. Учун жуда кеч эди: қочоқ шу нарсани бегумон сездикки, агарда у орқага, ўрмонга бир қадам қайтиши биланоқ шартта отиб ташланиши муқаррар вазият эди. Шундай қилиб, ҳар икки шарпа

қоронғулик ичида худди дарахтлар каби тек туриб қолишди. Брауер ўз юрагининг айни сониялардаги қаттиқ-қаттиқ дукиллашидан нафаси бўғилиб, титраб турарди – нариги шарпа эса – нариги шарпа анча муғомбир чиқиб қолди, у ҳозирча зиғирча ҳам саросимага тушмади.

Орадан бир лаҳза ўтгач – бу бир лаҳза Брауер учун бир йилга тенг бўлди – тўлин ой булутсиз кенг самонинг ямоқ кўйлаги ичига оҳиста яшириниб олди, шу паллада қочоқ қотил ноилож тақдирга тан берди-да, қонун вакилининг измига бўйсуниб, ночор қўлларини кўтарди ва бояги шарпа олдига тушиб, кўрсатилган йўл томон итоаткорона юриб бораверди. У беҳад кўрққанидан на ўнг ва на чап тарафга бир қур бўлса-да кўз ташлай олар, хаттоки нафас олишгаям аранг журъат қиларди, халитдан боши билан орқаси олдиндан башорат қилинган қалт хавфидан беаёв азобланишни бошлаб юборганди.

Брауер шунча ҳибсга олинган қотиллар ичида энг шавқатсизи ва энг маккори ҳисобланарди; бу ҳол унинг поччасини қанчалар совуққонлик ва бераҳмлик билан ўлдирганидан ҳам яққол аён эди, бу ёвуз кимса бамисоли одам киёфасидаги махлуқнинг ўзгинаси эди. Брауер унинг қариндошларининг суд залига келишининг умуман кераги йўқ эди; уларнинг ўша ерда бўлмасликлари унга кўпроқ маъқул келарди, ўз ўлимига эндигина тан бериб, шу сўнгсиз азоб ичида қовурилаётган бир онда ўша қариндошлари унинг бўйнини қатл жодусидан қутқариб қолишлари ҳақиқатдан анча йироқ эди. Зотан, унинг қўлидан энди нимаям келарди? Айни паллада қочоқ учун кўрқмас ва енгилмас қотил сифатида ҳар қандай зарбани ҳам чуқр этмай қабул қилишдан бўлак йқл йўқ эди. Оррин Брауер аллақачон ўз тақдирига бўйсуниб бўлганди.

Шу тахлитда улар эски йўл бўйлаб ўрмон ичидан ўтдилар-да, қамоқхона томон сафарларини давом эттириб кетаверишди. Бир вақт Брауер туйқус ўзида қандайдир журъат топди-да, бошини орқага буриб, ўз таъқибчисини кўришга таваккал қилди; фақат бир марта холос, деб ўйлади у, сим-сиёҳ кеча бағрида, деярли ўзининг кўланкаси устида туриб қолган ортидаги одам шарпаси ой нурида элас-элас кўзга чалинди. Брауерни қўлга олган одам чаккасида темир темир панжара излари бўртиб қолган, руҳдек оппоқ оқариб кетган қамоқхона соқчиси Буртон Дуф эди! Оррин Брауернинг тили калимага келмай қолди.

Ниҳоят улар шаҳарча ичига кириб келишди, ҳамма ёўда тўс-тўпалон гупурган, бироқ шаҳар кўчаларида аёл ва болалардан бўлак ҳеч ким кўзга кўринмасди, аммо улар ҳам кўчадан тезда даф бўлишди. Қамоқхона

томон дастлаб олдинда кетаётган жиноятчи қотил йўл олди. Асосий кириш тарафга тўғри борди-да, Брауер оғир темир эшик тутқичи устига қўлини қўйди, ҳеч бир буйруқсиз эшикни итариб очди, ичкарига кирган заҳоти ўзини беш-олти чоғли қуролланган миршаблар қуршовида кўрди. Брауер каловлаганча орқасига ўгирилди. Унинг ортидан ичкарига ҳеч ким крмади. Қамокхона соқчиси Буртон Дуфнинг ўлик танаси эса ўлик танаси эса коридордаги узун стол устида кеча тундан буён ётар эди.

**Инглизчадан Қандилат Юсупова таржималари
Китоб дунёси газетаси 2014 й. 9 апрел.**